



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2020 йил 19 ноябрь, № 244 (7746) Пайшанба

Сайтимиға ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда гидрометеорология хизматини ривожлантириш, иқтисодий тармоқлари ва аҳолини гидрометеорологик маълумотлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Хозирги вақтда миллий гидрометеорология хизмати **330 дан ортқ гидрометеорологик кузатувлар ва атроф табиий муҳит ифлосланиши мониторингини** олиб боровчи пунктларни бириктириб, улар ёрдамида **240 турдан ортқ прогнозик, сунъий йўлдошлардан** олинган, тахлил, иқтисослаштирилган ва маълумотнома тусидаги гидрометеорологик махсулотлар тайёрланиши йўлга қўйилган.

Шу билан бирга, сув ва қишлоқ хўжалиги, энергетика, шаҳарсозлик, саноат, транспорт ва туризм каби об-ҳавога боғлиқ иқтисодий тармоқларнинг барқарор ривожланиши ва фаолият кўрсатишига кўмаклашувчи гидрометеорологик хизматлар сифати ва маълумотларнинг ўз вақтида тақдим этилишига салбий таъсир этувчи қатор муаммолар мавжудлиги ушбу соҳага алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда.

Хусусан, гидрометеорология фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари тизимлаштирилмаганлиги, гидрометеорология хизматини ривожлантиришнинг узоқ мuddатли концепцияси мавжуд эмаслиги, ушбу соҳадаги илмий тадқиқот фаолияти замонавий талабларга жавоб бермаслиги, гидрометеорологик кузатув тармоғининг ривожланмаганлиги, шунингдек, бошқарув ва прогнозлар тайёрлаш жараёнларининг ортқча марказлаштирилганлиги, ходимлар етарли даражада моддий рағбатлантирилмаётганлиги юзлаган вазибаларнинг самарали бажарилишини таъминламаётгани.

Иқтисодий тармоқлари ва аҳолини гидрометеорологик ва иқлимий маълумотлар билан таъминлаш ва мониторинг юритиш тизимларини такомиллаштириш, шунингдек, гидрометеорологик ахборотни олиш, тўплаш ва тарқатишда замонавий ахборот ҳамда сунъий йўлдош технологияларидан кенг фойдаланиш мақсадида:

1. Кўйилганлар:
  - а) 2020 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизматини ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ;
  - б) 2020 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизматини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 2-иловага мувофиқ;
  - в) Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази кузатув тармоғини кенгайтириш ва автоматлаштириш бўйича дастур (кейинги ўринларда — Дастур) 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Дастур 2020 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази (кейинги ўринларда — Ўзгидромет) учун назарда тутилган Давлат бюджети маблағлари, шунингдек, халқаро молия институтлари ва хоржий ташкилотларнинг грантлари, қонун ҳужжатларида таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.
3. Ўзгидромет Ўзбекистон Республикасида гидрометеорология, иқлим ўзгариши ва атроф табиий муҳит ифлосланиши мониторинги соҳасида ваколатли давлат органи этиб белгилансин.
4. Ўзгидромет Марказий Осиё давлатлари учун Жаҳон метеорология ташкилотининг Минтақавий иқтисослаштирилган метеорология маркази, шунингдек, Жаҳон метеорология ташкилоти Жаҳон об-ҳаво хизматининг гидрометеорологик маълумотларни тўплаш, ишлов бериш ва тарқатиш бўйича Минтақавий телекоммуникация маркази функцияларини бажариши маълумот учун қабул қилинсин.

(Давоми 2-бетда).

## ДУНЁ НИГОҲИ

### ТАШАББУСЛАР САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Хориж оммавий ахборот воситаларида Президент Шавкат Мирзиёевнинг яқинда онлайн шаклда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитидаги иштироки ва унда илгари сурган ташаббуслари кенг акс садо берди.



Хусусан, нуфузли «The Diplomat» тахлил электрон журналида (АҚШ) чоп қилинган мақолада қайд этилишича, Ўзбекистон раҳбари олий даражадаги учрашув чоғида сўзлаган нутқининг муҳим мавзуси қўша иқтисодий лойиҳалар ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни жадаллаштириш бўлди. «Мавҳум гаплар ўрнига, Шавкат Мирзиёев савдо-сотиқ йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, боғнамо тартибларини соддалаштириш ва сармоғларни рағбатлантириш бўйича аниқ таққилларни берди», дейилади материалда.

Сўнгги йилларда расмий Тошкентнинг ички ва ташқи сиёсатида юз берган ижобий ўзгаришлар ҳақида фикр юритилар экан, эндиликда Ўзбекистон иқтисодий масалаларга эътибор қаратаётгани таъққилланади. Америкалик тахлилчиларнинг фикрига кўра, мамлакат ичида барқарорликни таъминлаб, Афғонистон ва бошқа ташқи таққидларни бартараф қилгани ҳолда Ўзбекистон иқтисодий ривожлантиришини ўзининг устувор вазибаси сифатида кўрмоқда.

Россиянинг «ТАСС» ахборот агентлиги Ўзбекистон раҳбарининг Афғонистондаги вазиатни барқарорлаштириш истиқболлари ҳақидаги таққил ва ташаббуслари тахлилга бағишланган материални тарқатди. Жумладан, агентлик Шавкат Мирзиёевнинг «Бугун Афғонистонда узоқ кутулган тинчликка эришиш бўйича тарихий имкониятни кўлдан бой бермаслик ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир», деган сўзларини иқтибос сифатида келтирди.

«ТАСС» шарҳловчиларининг эътирофи этилишича, расмий Тошкент Афғонистондаги хавфсиз-

лик ва тинчлик масаласига бутун ШХТ минтақаси барқарорлиги ҳамда иқтисодий тараққиётини таъминлашнинг муҳим омилли сифатида қараш лозим. Чорловлар ва дипломатик фаолликни қўшни мамлакат иқтисодий-иқтисодий тикланиши учун кенг кўламли амалий ёрдам билан муҳасамлаштирмоқда.



интилаётир. Бу каби масалалар 2021 йил апрель ойда Тошкентда ўтказилган «Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таққидлар ва имкониятлар» халқаро конференциясида муҳокама қилиш кўзда тутилаётир, дейилади материалда.

Асосийси, россиялик шарҳловчиларнинг фикрича, расмий Тошкент халқаро ҳамжамиятга чорловлар ва дипломатик фаолликни қўшни мамлакат иқтисодий-иқтисодий тикланиши учун кенг кўламли амалий ёрдам билан муҳасамлаштирмоқда.



Мавзунинг давом эттирган ҳолда, «Islamabad Post» газетасида (Покистон) ёзилишича, ШХТ саммитидаги иштироки доирасида Президент Шавкат Мирзиёев Афғонистонга унинг Марказий ва Жанубий Осиёни боғлаб турувчи кўрпик сифатидаги тарихий ролини қайтариш лозимлигини, бунинг учун эса тегишли транспорт йўлақларини барпо этиш зарурилигини таъққилла-

ди. Мазкур ёндашувнинг қўчи томони сифатида транспорт йўлақлари сонининг ортқи нафақат Афғонистоннинг ўзи, балки ШХТнинг барча мамлакатлари учун янги истиқболлар очиши эътироф этилади.

Покистон нашри Ўзбекистон Президентининг «ШХТ — Афғонистон» мулоқот гуруҳи доирасида Афғонистоннинг иқтисодий-иқтисодий тикланишига кўмаклашиш бўйича амалий чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш юзасидан билдирган ташаббусини тўла қўллаб-қувватлайди. Тахлилчилар қайд этганидек, Афғонистонга нисбатан «ўзбекнама нуқтаи назар»нинг ҳаётга татбиқ қилиниши ушбу мамлакатдаги вазиатни барқарорлаштириш йўлида умидбахш истиқболлар пайдо бўлишига олиб келади.



«Al Khabar Al Youm» газетасида (Миср) Ўзбекистон Президентининг ШХТ саммити доирасида иқтисодий-иқтисодий, давлат ва жамият ҳаётига замонавий ахборот технологияларини кенг қўллаш бўйича билдирган таққиллари ёритилди. Бу борада, ШХТнинг рақамли саводхонликни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ташаббуси алоҳида кўрсатиб ўтилади. Мазкур дастурнинг асосий мақсади ўзаро келишилган ўқув дастурлари асосида аҳолини ўқитиш, соҳа учун муҳасамлаштирилган иборатлардан иборатдир, дейилади мақолада.

«Шу билан бирга, Шавкат Мирзиёев ШХТ маконинда аҳолининг эҳтиёжман қатламларини қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширишни таққил қилди», деб ёзилади нашрда. Мақолада расмий Тошкентнинг камбағалликка қарши курашиш учун масъул вазирлик ҳамда идоралар раҳбарларининг йиғилишларини ўтқазиб механизмини яратиш ҳақидаги ташаббусига ниҳоятда «муҳим ва долзарб», дея таъсиф берилди.

Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

### ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2020 ЙИЛ ТЎҚҚИЗ ОЙИДАГИ ИЖРОСИНИ КЎРИБ ЧИҚИШДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Давлат бюджетининг ва давлат мақсадили жамғармалари бюджетларининг 2020 йил 9 ойи якунлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқишди. Муҳокамаларда Молия вазири Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Марказий банк ҳамда бошқа тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари қатнашди.



Мажлис Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг YouTube видеоканалида ҳамда Facebook иқтисодий тармоғидаги расмий саҳифаси орқали тўғридан-тўғри эфирга узатилди. Бу жараёнда кенг жамоатчилик муҳокамалари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб борди. Хукумат таққим этган жорий йилнинг тўққиз ойлик якунларига оид ҳисоботга кўра, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадили жамғармалари бюджетларининг ижроси «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунда белгиланган бюджет пара-

метрлари доирасида амалга оширилиб, шунингдек, пандемия оқибатларини бартараф этишга қаратилган. Дарҳақиқат, коронавирус пандемияси ва глобал инкироз асоратлари Ўзбекистон иқтисодий-иқтисодий ҳам таъсир ўтказмасдан қолмади. 2020 йилнинг 9 ойи якунига кўра, мамлакатнинг ялпи ички махсулоти (ЙИМ) ўтган йилнинг мос давридаги нисбатан 0,4 фоиз ўсган. 2020 йил 9 ойлик Давлат бюджети даромадлари қарийб 94,5 триллион сўмни ташкил этган бўлса, пандемия шароитларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаштирилган прогноз кўрсаткичлари 102,9 фоизга ёки 2 661 миллиард сўмга ошириб бажарилган. Ўтган 9 ойда Давлат бюджетининг харажатлари давлат мақсадили жамғармаларини ҳисобга олманган ҳолда 94,5 фоизга ижро этилган ёки бюджет харажатлари ЯИМга нисбатан 25,0 фоиздан иборат бўлди. Пандемия келтириб чиқарган қийинчиликларга қарамадан, бюджет ташкилотларининг салкам 33,6 триллион сўмлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари ҳамда 7,1 триллион сўмлик иш ҳақи нисбатан ажратмалари

## Ҳамкорлик

### ПАРЛАМЕНТЛАР ЎЗАРО МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШГА ТАЙЁР

Олий Мажлис Сенатида парламент юқори палатаси Раиси Танзила Нормоевнинг Исроил давлатининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Зеҳавит Бен Хиллел хоним билан учрашуви бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон — Исроил муносабатларининг жорий ҳолати ва икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг устувор йўналишлари, шунингдек, гендер тенгликни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама муносабатлар ривожлангани қайд этилди. Парламентлар ўртасидаги алоқалар сезиларли даражада жонланди.

Олий Мажлис Сенати Раисининг сўзларига кўра, Ўзбекистон ўзаро манфаатли ва узоқ мuddатли лойиҳаларни ишлаб чиқишга қаратилган саъй-ҳаракатларни юқори баҳолайди ҳамда сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар, ҳарбий ва ҳарбий-техник соҳаларда, шунингдек, хавфсизлик масалаларида Исроил билан ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштиришдан манфаатдор.

## МИЛЛИЙ РАМЗЛАР — ВАТАН ТИМСОЛИ

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби пойтахтимизда ҳам Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган сана муносабати билан тантанали фестивал ва маънавий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтди.

...Эрта тонгдан об-ҳаво ёмғир ва қорли бўлишига қарамай, юртдошларимиз қалбини мустақиллигимиз, ҳурлигимиз тимсоли, эзгулик ва тинчлик рамзи — миллий яловимизга бўлган ҳурмат, ғурур-ифтихор туйғуларини илитди. Зеро, байроқ — бизни улуг мақсадлар томон бошловчи буюк машъададир. Бир гуруҳ ёшлар, ҳарбий хизматчилар, ижодкор ва санъаткорлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари ҳарбий техникаларда шаҳри азим кўчалари бўйлаб байроғимизни сарбаланд

## Олий Мажлис Сенати қўмиталарида

### ХОТИН-ҚИЗЛАР БАНДЛИГИ ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Олий Мажлис Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитасининг видеоконференцапоқа тарзида йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Сенатнинг тўққизинчи ялпи мажлисида муҳокама қилиниши режалаштирилган масалалар дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Бирок мазкур йўналишда ўз ечимини кутаётган, хусусан, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун уларнинг тижорат банклари кредит ресурсларидан фойдаланишида бир қатор муаммолар мавжудлиги аниқланди. Масалан, жорий йилда Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан тегишли кредит ресурслари йўналтирилган бўлса-да, лекин аксарият ҳолларда тадбиркор аёлларга фонд ажратган маблағлар тижорат банклар томонидан ўз вақтида берилмаган.

Дастлаб, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун яратилган шарт-шароитлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари муҳокама қилинди. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган аёлларга кўмаклашиб, бутунги кунда уларнинг бизнес фойдаларини тайёрлашда

консултатив ёрдам берилмоқда. Натихада жорий йилда иш билан банд бўлмаган 99,1 миң нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди, 11,5 миң нафари меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касбларга ўқитилган. Иш билан банд бўлмаган хотин-қизларнинг 412,1 миң нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинган.

Тадбир

2

3

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — УСТУВОР МАСАЛА

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари бошчилигида инсон ҳуқуқларини таъминлаш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Нормоева ва БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Мишель Бачелет ўртасида бўлиб ўтган онлайн-учрашувда бу ҳақда алоҳида таъққилланди. Унда Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини қучайтиришнинг муҳим элементли бўлган суд-ҳуқуқ тизими фаол равишда ислох қилинаётгани хусусида сўз борди. Мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлашга катта эътибор қаратилётгани, бу нафақат ахлоқий тамойил, балки давлатни самарали иқтисодий ривожлантиришнинг

муҳим омилли эканлигига эътибор қаратилди. — Гендер тенгликка эришиш учун барчамиз янада кўпроқ ҳаракат қилишимиз керак, деган фикрингиз Ўзбекистонда тўлиқ қўллаб-қувватланади, — деди Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Нормоева. — Айнан шу сабабли мамлакатимизда хотин-қизлар ўзларининг қобилиятларини тўла-тўқис намоян қилиши учун янада кулай шарт-шароит яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича идораларо комиссия ташкил этилди ва у ўз ишини самарали олиб бормоқда.

2





# ОЧИҚЛИК, ХОЛИСЛИК ВА ИННОВАЦИЯГА АСОСЛАНГАН ФАОЛИЯТ



Барчамизга аёнки, тараққийёт жараёнида математика, тарих, физика, социология, кимё, фалсафа, психология, умуман, барча фаннинг ўз ўрни бор. Зеро, назарий билимлар, узуқсиз изланишлардан олдин тажриблар янги-янги ихтироларга сабаб бўлган. Улар бугун ҳам инсоннинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиб келаяпти.

Тамадуннинг ана шундай ютуқларини уйғунлаштириб турувчи бир йўналиш борки, у ягона сўз билан "статистика" деб аталади. Машҳур немис файласуфи Гёте "Рақамлар дунёни бошқаришга дейишади. Йўқ, аслида улар дунёни қандай бошқаришни кўрсатиб туради" дея айнан статистикага таъриф бергани беҳиз эмас. Рақамлар билан ишлаш машаққат, аммо уларни оммага тушунарли тарзда етказиб бериш эса санъатдир.

## Долзарб мавзу

### Асосий тамойиллар нималардан иборат?

Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилётган кенг қўламли ишловлар статистика идоралари фаолиятига ҳам ўз самарасини берапти. Хусусан, статистика маълумотларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга эришилди. Фойдаланувчиларга долзарб бўлган статистика маълумотларини эркин олиш имконияти яратилди. Бу натижалар нафақат юртимизда, балки хорижда, энг асосийси, халқаро статистика ҳамжамияти томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда. Зеро, давлат раҳбари ҳамда ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорлар ижроси соҳани тубдан ўзгартирмақда, амалиётга халқаро стандартлар ва илгор хорижий тажрибаларни кенг жорий этиш, статистик маълумотлар ҳаққончилигини, ишончлилигини ҳамда очиқлигини таъминлаш имкониятини кенгайтиряпти.

Бинобарин, фойдаланувчиларга тақдим этиладиган статистик маълумотлар сифат ва ҳажми жиҳатидан тубдан такомиллаштирилди. Статистик нашрлар ҳамда тўпламлар халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда маромига етказилди. Авваллари олиш имкони бўлмаган асосий макроиқтисодий ва моливый ўқишчилар очиқлиги таъминланди ҳамда Ўзбекистон Республикасини Халқаро валюта фонди (ХВФ)нинг кенгайтирилган Маълумотлари тарқатишининг умумий тизимига уланганга эришилди.

Асосий ахборот ресурси — Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайти замонавий андозларга мос тарзда қайта ишлаб чиқилиб, ишга туширилди. Очиқ маълумотлар портали фаолиятини такомиллаштириш бўйича тадбирлар амалга оширилди. Статистик кузатувларни ўтказиш жараёнига бошқичма-бошқич инновацион технологиялар (планшетлар)ни жорий этиш ишлари бошланди. Тизим кадрлари малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётди. Қўмита ҳузуридаги Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари маркази Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтига айлантирилди. Институт қошида "Ўзбекистон статистик ахборотномаси" илмий-электрон журнали, Эконометрика ва статистика ҳамда Иқтисодийта ахборот тизимлари ва технологиялари ихтисослашқарида илмий кенгаш фаолияти йўлга қўйилди.

### Ўзаро самарали муносабатлар — пировард мақсад

Маълумоти, статистикада мулоқот ҳамisha билрамчи ҳисобланади. Шу

Айниқса, ҳозирги коронавирус пандемияси пайтида бунинг аҳамияти ниҳоятда юқори. Оддий мисол. Барчамиз эрта тонгдан, албатта, интернетга қараймиз ва жаҳондаги, юртимиздаги статистик маълумотлар билан танишамиз. Бинобарин, статистикани бугун сайёрамизнинг уриб турган юрагига, ўзига хос кўзга қиёслаш мумкин. Боз устига, бундан буён дунё рақамлашди, масофалар, дақиқалар қисқаргани сайин, статистик маълумотлар шунчалик ортиб бораверади.

Хўш, нафақат яшаётган давримиз, балки келажак учун ҳам мўҳим бўлган мазкур жаҳоннинг юртимиздаги аҳоли қай даражада? Уни ривожлантириш учун қандай шароитлар яратилмоқда? Амалий қадамлар ташланаяптими? Қўйда шу ҳақда батафсил тўхталиб ўтамиз.

Уларни шакллантириш услубиётлари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади ва тегишли маълумот базалари (Ҳажон банки, БМТ статистика бўлими, Халқаро меҳнат ташкилоти, Ҳажон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ФАО, Халқаро транспорт форуми, ЮНЕСКО маълумот базалари)да тўлиқ акс эттириш чоралари қўрилади.

Маълумотларни етказиб берувчилар билан ишлаш ҳамда маълумотларни тарқатиш амалиётлари такомиллаштирилди. Call-марказлардан фойдаланган ҳолда сўров ўтказиш йўлга қўйилди. Идоравий маълумотлардан фойдаланиб, ҳисобот юки камайтириб ва маълумотлар сифати эса ошириб борилди.

### АКТ объектга ҳам, субъектга ҳам фойда келтирсин

Бугун бирор тармоқ, айниқса, статистика соҳасини АКТСиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зотан, бу глобал дунёда рақамларни "сўзлатиш"нинг асосий шартидир. Айнан шу омилдан келиб чиққан ҳолда қўмита веб-технологияларга кўчи ўргута беряпти. Қўмиталарни электрон шаклда қабул қилишнинг замонавий автоматлаштирилган ахборот тизими (eStat-4.0)ни йўлга қўйиш бўйича қатъий интилизлар шундан далолат бериб турибди.

Олдинга ташланаётган қадамлар фақат шу билангина чекланмайди. Масалан, илгор хорижий тажрибаларни ўрганган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар портали янги кўринишни яратилиб, ишга туширилди. Унга янги қулайлик ва функциялар киритилди. Маълумотларни онлайн тарзда янгиллаб беришни йўлга қўйиш мақсадида давлат органларининг идоравий ахборот тизимлари ҳамда ресурслари портал билан интеграция қилинди.

Статистик маълумотларни сақлаш, қайта ишлаш ва тақдим этиш бўйича ахборот тизимлари такомиллаштирилди. Катта ҳажмдаги статистик маълумотлари қайта ишлаш жараёнига "Oracle", "MS SQL Server" маълумотлар базасини бошқаришининг замонавий тизимлари, танланма статистик кузатувларни ўтказишга инновацион технологиялар (планшетлар) жорий этилади. Ахборот-коммуникация инфратузилмаси тўлиқ модернизация қилинади.

### Статистика маълумотларини қайта ишлаш бўйича ахборот-коммуникация инфратузилмасини такомиллаштириш



Маълумот учун: тизим моддий-техника таъминотини яхшилашга ажратилган маблағлар доирасида 2020-2021 йилларда умумий қиймати қарийб 20,0 млрд. сўмлик сервер, компьютер, принтер, IP телефония ускуна ҳамда жиҳозлари харид қилинади ва ўрнатилди, видеоконференцалоқ ҳамда IP телефония тизимлари жорий этилади, Давлат статистика қўмитаси ҳудудий бўлинмаларининг юқори тезликда маълумот алмашиш имконини берувчи оптик толали тармоққа уланishi таъминланади.

### Янги йўналишлар ва кадрлар малакаси

Қўмита томонидан аънавий фаолият кўламини кенгайтириш ҳам диққат марказида турибди. Бу борда 24 та йўналишда тармоқ ва худудлар статистикасини такомиллаштириш бўйича 50 та тадбирни амалга ошириш назарда тутилган. Бунга макроиктисодий ҳамда ижтимоий статистика, "яширин иқтисодий"ни статистик баҳолаш усуллари, туризм, бандлик, экологик ҳисоблар, транспорт, давлат молияси ва бошқа тармоқлар статистикасини халқаро андозларга


қонига шаффоф, сифатли ҳамда долзарб бўлган статистика маълумотлари ҳажмини 2 баробардан оширишга эришилади ва бу, ўз навбатида, фойдаланувчиларнинг маълумотга бўлган қониқлиши ҳамда ишонч даражасини оширишга олиб келади;

— халқаро ташкилотлар, моливый институтлар ва хорижий инвесторларнинг мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат ҳамда жараёнлар бўйича хабардорлигини оширишга хизмат қилади;

— Ҳажон банкнинг мамлакатлар статистика салоҳияти индексида натижаларимизни баҳолашининг асосий индикатори сифатида қаралади.

Бугунги кунда мамлакатимиз маъруз индексидаги максимум 100 баллдан 64,4 баллга эга бўлиб, рейтингда 84-ўринни эгалламоқда. Юқоридagi тадбирлар бошқичма-бошқич натижаларимизни яхшилаб бориш ва 2025 йилга келиб 94 балли кўлга киритган ҳолда рейтингда биринчи 10 тартиқ кирши имкониятини беради.

### Статистика салоҳияти индексининг ўсиб бориш динамикаси



### Ишчи гуруҳ шакллантирилди, энди навбат...

Қайд этиш лозим, бугунги кунга келиб стратегия йўналишлари бўйича тегишли чора-тадбирларнинг бажарилиши учун маъсул бўлган манфаъдор вазирлик ва идоралар вакилларида шакллантирилган тармоқ ишчи гуруҳлари шакллантирилди. Ҳар бир вазира ишчи гуруҳлари ўртасида тақсимлаб берилди. Аниқ Ҳаракатлар режаси ҳам тайёрлаб олинди. Ўз навбатида, Статистика кенгаши томонидан миллий статистика тизими, шунингдек, тармоқ ишчи гуруҳлари фаолиятини ҳар чорак муҳофизат қилиб бориш йўлга қўйилди.

Энди ҳар йили 1 октябрга қадар ҳисобот йили бўйича "Давлат статистика ишлари дастури"нинг бажарилиши натижалари, статистика соҳасида услубиётни такомиллаштириш ҳамда ишларни тақшил этиш борасида тизимда олиб борилаётган фаолият самарадорлиги тўғрисида Статистика кенгаши муҳокамасига ҳисобот киритиб борилади.

Шу кунларда аҳолини рўйхатга олиш тадбирларига пухта тайёрғарлик кўриб бориш, ўз вақтида ва сифатли ўтказилишини таъминлаш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Тегишли вазирлик ҳамда идоралар билан ҳамкорликда:

— 203 та туман ва шаҳарнинг схематик хариталари ҳамда 15 мингдан ортиқ аҳоли пунктларининг (махалла, кишлоқ ва овуллар) схематик режалари электрон шаклда тайёрланди;

— аҳоли пунктларида қўчалар ном белгиларини ўрнатиш, хонадон ва уйлари тўлиқ рақамлаш ишларини якунига етказиш давом этмоқда;

— аҳоли пунктларида яшовчилар сонини кўрсатган ҳолда хонадон ва уйлар рўйхати шакллантирилиб, 2023 йил аҳолини рўйхатга олиш даврига қадар мунтазам равишда янгиллаб бориш тизими йўлга қўйилди.

Шунингдек, хорижий тажрибаларни ўрганиш борасида ЮНФПА ва МДХ Давлатлараро статистика қўмитаси билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, доимий равишда музокаралар олиб борилмақда.

Бу каби музокаралар сентябрь ойида МДХ Давлатлараро статистика қўмитаси вакиллари билан бўлиб ўтди. Унда аҳолини рўйхатга олиш саволномалари ҳамда уларни тўлдириш йўриқномасини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди ва бу борада таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

Муҳтасар айтганда, статистик маълумотлар қанчалик очиқ, шаффоф, холис ва тўлиқ бўлса, ҳажон ҳамжамияти, айниқса, инвесторларнинг мамлакатга нисбатан ишончи шунчалик мустаҳкам бўлади, халқаро имиж юксалади, янгидан-янги сармоялар кириб келади, иш ўринлари яратилади.

### Одилжон МАМАДАЛИЕВ, Давлат статистика қўмитаси Халқаро ҳамкорлик ва ахборот алмасув бошқармаси бошлиғи. Усмон АБДУРАСУЛОВ, ахборот хизмати раҳбари.

# САЁҲАТ НАТИЖАСИДА 57 нафар фуқаро ишли бўлди

Асака туманида тўртта сектор раҳбари ташаббуси билан "аёллар дафтари" ва "ёшлар дафтари"га кирувчи 188 нафар фуқаро иштирокида ишлаб чиқариш корхоналарига саёҳат уюштирилди.

## Имконият



Саёҳатга таклиф этилганлар тумандаги "Asaka textile", "Foral textile", "Min Max" ҳамда "Invest davr textile" корхоналарида бўлиб, уларнинг фаолияти, ишчиларга яратилган шароит, имконият ва оиллик машоқши билан қизиқди. На-

тижада 57 нафар иш-сиз фуқаро ўзига маъқул корхонада ишлаш истагини билдирди.

— Менга "Asaka textile" МЧЖга қарашли тикувчилик корхонаси жуда ёқди, — дейди Нилуфархон Абдурахмонова. — Бу ерда замонавий дастгоҳлар мавжуд, ишга келиб-кейтиш, тушлик ҳамда дам олиш учун барча шароит яратилган экан. Ойлик маоши ҳам кўнглидагидек.

Бундай саёҳатлар тумандаги бошқа ишлаб чиқариш объектига ҳам уюштирилмоқда.

Саминжон ХУСАНОВ («Халқ сўзи»)

## ЭЪЛОН

### Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

## ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

вакант (бўш) профессор-ўқитувчилар лавозимларига танлов эълон қилади.

1. Табиий толлаларни дастлабки ишлаш технологияси кафедраси: профессор, доцент, катта ўқувчи.
2. Технологик машиналар ва жиҳозлар кафедраси: профессор, катта ўқувчи, ассистент.
3. Машинашунослик ва сервис хизмати кафедраси: катта ўқувчи, ассистент.
4. Муҳандислик ва компьютер графикаси кафедраси: ассистент.
5. Меҳнат муҳофазаси ва экология кафедраси: профессор, катта ўқувчи, ассистент.
6. Ижтимоий фанлар кафедраси: профессор, катта ўқувчи.
7. Тўқима матолари технологияси кафедраси: доцент, ассистент.
8. Йиғирши технологияси кафедраси: кафедра мудири, доцент.
9. Ипак технологияси кафедраси: доцент, ассистент.
10. Тикув буюмларини конструкциялаш ва технологияси кафедраси: доцент, ассистент.
11. Чарм буюмларини конструкциялаш ва технологияси кафедраси: доцент, ассистент.
12. Костюм дизайни кафедраси: профессор, катта ўқувчи, ассистент.
13. Кимёвий технология кафедраси: доцент, катта ўқувчи.
14. Физика ва электротехника кафедраси: ассистент.
15. Тиллар кафедраси: доцент, катта ўқувчи.
16. Матбаа ва қадоклаш жараёнилар технологияси кафедраси: катта ўқувчи, ассистент.
17. Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришнинг автоматлаштириш ва бошқариш кафедраси: катта ўқувчи, ассистент.
18. Корпоратив бошқарув кафедраси: кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқувчи.
19. Педагогика ва жисмоний маданият кафедраси: кафедра мудири, доцент.
20. Тўқимачилик материалшунослиги кафедраси: доцент, катта ўқувчи.

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар томонидан ректор номига ариза билан кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақча, дипломлар ва аттестатлар нусхалари, илмий ишлар ҳамда ихтиролар рўйхати, малака оширганилик тўғрисида ҳужжатлар нусхалари топширилади.

Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.

Эслатма: мазкур институтда ишловчи шахслар ўтган мuddат бўйича кафедрада ҳисобот беради, танловда қатнашувчилар синов дарслари ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Шохжаҳон кўчаси, 5-уй, 1-бино, 210-хона. Телефон: 71-253-17-78.

## Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюроғига Т — 1156. 30 509 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Баҳоси келишилган нарха.

Телефонлар: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тажрибали келган қўбемалар тақриз қилинмайдиган ва муаллифга қайтарилмайдиган.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов. Мусахҳах — Ш. Маирабоев.

"Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 21.10 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 5 6